

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 120 (10.929)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



ПОЙТАХТИМИЗДА ТҮРТ КУН ДАВОМ ЭТГАН ТАЛАБА-ЁШЛАРНИНГ СПОРТ ФЕСТИВАЛИ МАНА ШУНДАЙ ЧИРОЙЛИ ТАРЗДА КЕЧА ЎЗ ЯКУНИГА ЕТДИ.



«Универсиада — 2007»:

ЁШЛИК ВА ДУСТЛИК РАБАБА ҚОЗОНДИ



Шубҳасиз, аввалги Универсиадалар қаторида, бу сафар ҳам янги голиблар кашф этилди, энг яхши жамоалар саралаб олинди, янги забт этилган марралар қайд этилди. Бироқ «Универсиада — 2007»нинг фаркли жиҳатлари шундаки, унинг доираси анча кенгайган. Анжироқ қилиб айтиш мумкин бўлса, спортчи ёшларимизнинг сафарли сезиларли даражада ортиб бораётгани кузатилаётди.

Хусусан, мусобақаларнинг урта босқичида республикамиз барча олий ўқув юртиларидан 200 мингдан зиёд ўғил-қизлар иштирок этди. Қувонарлиси шундаки, саралаш беллашувларида илк бор Тошкент халқаро Вестминстер университети, Россиянинг Плеханов номидаги иқтисодий академияси ҳамда Москва давлат университети филиаллари, шунингдек Тошкент солиқ академияси талабалари ҳам ўз имкониятларини синаб кўришди.

Тўғри, бу ёшларнинг ҳаммасига ҳам Универсиада-нинг сўнги босқичида катнашиш насиб этмаган бўлса-да, бироқ спорт фестивали уларда спортга бўлган қизиқиш, ҳақиқий синов майдонида чин дўстлик нималигини англаш, ўзига, ўз қўчига бўлган ишончнинг янада мустаҳкамланишига асос бўлганига шубҳа йўқ. Зеро Универсиада қаторида «Баркамол авлод» ва «Умид ниҳоллари» мусобақалари — мамлакатимиз Президентини ташаббус билан жорий этилган уч босқичли узлуқсиз спорт тизимининг мақсади ҳам ана шундадир.

«Универсиада — 2007» финал босқичида олий ўқув юрти талабаларининг бир неча босқичдан иборат беллашувларида саралаб олинган фақат икки мингта яқини 12 та вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва

Тошкент шаҳри — республикамизнинг жами 14 та минтақаси шарафини химоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ўз навбатида мurosасиз кенг бешлашувлар давомида уларнинг орасидан ҳам энг эгичил, энг кучли, очигини айтганда — энг зўрлари, маррани катта олганлар шохсупа тўридан ўрин олган бўлса, қолган кучлилар совирили ўринларни эгаллашга муюссар бўлди.

«Универсиада — 2007»нинг якуний босқичида шахсий ва жамоа ҳисобида биринчилик учун беллашувлар бўлиб ўтди ва пировардида тўлланган оқ-қоғалар асосида минтақа микёсида энг яхши терма жамоалар ҳам аниқлаб олинди.

КЕЧА пойтахтимиздаги «Ёшлик» спорт мажмуасида «Универсиада — 2007»нинг якунига бағишланган тантанали тадбир олдидан голибларни мукофотлаш маросими бўлиб ўтди.

Уйинлар натижаларига кўра, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Тошкент шаҳри жамоаси эгаллади. Иккинчи ўрин Наманган, учинчи ўрин эса Самарқанд вилояти вакилларига насиб этди. Республика олий таълим муассасалари талабалари спорт мусобақалари голибларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғалари топширилди.

Энг қадрли, энг азиз совға — Президент Ислоҳ Каримовнинг «Универсиада — 2007» катнашчиларига йўллаган табригининг асл нусхаси билан мусобақа голиби — Тошкент шаҳри терма жамоаси тақдирланди. Шунингдек, энг юқори ўч ўрин соҳибларига давлатимиз раҳбари номидан «Дамас» автомобиллари тақдим этилди.

(Давоми 2-бетда).

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ БЎЛИБ, УЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ИҚТИСОДИЙ ТАРМОҚЛАРИГА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ БОШҚАРИШ ТАЖРИБАСИНИ ОЛИБ КИРИШ, ЭНГ ЮҚОРИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА ЖАВОБ БERAДИГАН МАҲСУЛОТНИНГ ЮКСАК ДАРАЖАДА РАҚOБАТBAРDOШЛИГИГА ЭРИШИШ ҲАМДА ЎТА ТАЛАБЧАН ХАЛҚАРО БОЗОРЛАРГА МУВАФФАҚИЯТЛИ ТАРЗДА КИРИБ БОРИШ ИМКОНИНИ BERAДИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, «бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодий эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини химоя қилишни мустаҳкамлашга қаратилган чораларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий сармояларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатди».

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгазининг бўлиб ўтган мажлисида юқори палата кўмиталарининг хорижий инвесторлар ҳуқуқларини химоя қилиш ва ташқи иқтисодий алоқаларни такомиллаштириш соҳасидаги қонунларнинг ижросини ўрганиш борасидаги вазифалари муҳокама қилинди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ушбу мажлисга тайёргарлик кўриш жараёнида Сенат кўмиталари томонидан тегишли идоралар мутахассисларини, олимлар ва экспертларни жалб этган ҳолда бу соҳадаги ишларнинг аҳоли ўрганиб чиқилди, бир қатор семинар конференция ва давра суҳбатлари ўтказилиб, уларда тегишли тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Сенат Кенгазининг мажлисида мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қулай ҳуқуқий инвестиция муҳити, хорижий инвесторлар учун кенг қафолат ва имтиёзлар тизими яратилганлиги қайд этилди. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар яхлит тизими ишлаб чиқилди.

Қулай инвестиция муҳитини шакллантиришнинг асосий шартларидан бири хорижий инвесторларнинг асосий ҳуқуқ ва қафолатларини таъминлайдиган қонунчилик ҳамда норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришдан иборат. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий базасини «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг қафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонун билан бир қаторда «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунлар, шунингдек, мамлакат Президентининг бир қатор Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ташкил этади. Яратилган норматив-ҳуқуқий база тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни бутун чоралар билан рағбатлантиришга ҳамда уларнинг ҳуқуқий химоясини кучайтиришга қаратилган. Шу билан бир қаторда хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш учун жавобгар органлар ва муассасалар тизими шаклланди. Ўзбекистонда инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган бир қатор институциявий дастурларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Айни вақтда Сенат Кенгазининг мажлисида чет эл инвестициялари ҳақидаги қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиш, уларнинг бирихиллаштирилишини таъминлаш, шу асосда инвестиция муҳитини янада яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишга қаратилган ишларни давом эттириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Мажлисда кўрсатиб ўтилганидек, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари муҳим роль ўйнаши керак.

Муҳокама қилинган масала юзасидан Кенгаш тегишли қарор қабул қилди.

Мажлисда сенаторлар, вазирлик ва идораларнинг намояндалари, олимлар, мутахассислар, шунингдек, экспертлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

Кисса сатрларда

● **ЎТГАН КУНИ** Ҳамза туманидаги «Машинасозлар» маҳалласида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан саккиз ёшдан ўн уч ёшгача бўлган маҳалла болалари иштирокида футбол, югуриш, кураш бўйича спорт мусобақалари уюштирилди.

● **ФАФУР Фулом** номидаги маданият ва истироҳат боғида Чилонзор туман маҳаллалари фуқаролар йиғини раислари, маҳаллалар хотин-қизлар

комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда фаол ёшлар иштирокида «Оила сирлари» мавзусида семинар ўтказилди.

● **ЎЗБЕК** — Япон маркази ташаббуси билан тадбиркорлар иштирокида «Менежмент дастури» лойиҳаси доирасидаги навбатдаги ўқув машғулотли бўлиб ўтди.

● **ЮНУСОБОД** туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан умумтаълим мактабларининг ўқувчилари иштирокида уюштирилган семинар фанларнинг ўқитилиши ва самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланди.

● **ХАЛҚАРО** бизнес марказида япо-

ниялик телекоммуникация соҳаси мутахассислари иштирокида ахборот-телекоммуникация технологияларининг жамият тараққиёти ривожига туган ўрнига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар врачлар малакасини ошириш институтида шифокорлар иштирокида ўтказилган анжуман «Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришда врачлар малакасини ошириш» деб номланди.

● **ИЖТИМОЙ** химоя йили муносабати билан Республика болаларни ижтимоий мослаштириш марказида имконияти чекланган болажонлар билан ишловчи мутахассислар учун малака ошириш мақсадида уюштирилган семинар-тренинг катнашчиларига серти-

фикатлар топширилди.

● **СОБИР** Раҳимов туманидаги Комилжон Ғофуров номидаги маҳаллада маҳалла фаоллари, туман ИИБ ходимлари иштирокида 16 ёшга тўлган йигит-қизларга фуқаролик паспортлари топширилди.

● **АКЦИЈАДОРЛИК** тижорат «Капитал» банки ташаббуси билан банк ходимлари иштирокида уюштирилган тадбирда мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида янги хизмат турлари жорий қилинганлиги таъкидлаб ўтилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Андижон ва Навоий вилоятларидаги ижроси муҳокама қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси Қашқадарё вилоятида «Иш билан таъминлаш борасидаги сиёсат тўғрисида»ги Женева Конвенцияси талабларининг бажарилишини ўрганиб чиқди.

● Қарши шаҳрида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари Давлат солиқ идоралари ходимларининг ҳудудий ўқув машғулотлари ўтказилди. Катнашчилар уч кун давомида солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар, амалиётда юзага келаётган муаммоларнинг ечимини топиш борасидаги тажрибаларни баътафсил ўргандилар.

● Тошкент туманида Мустақиллик байрамининг 16 йиллигига бағишлаб «Энг яхши ижтимоий соҳа ходими» кўрик-танлови ташкил этилди. Танлов голибларига ҳомий ташкилотларнинг совғалари ва Фахрий ёрликлари топширилди.

● «Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмасида маҳаллийлаштириш ва тармоқлараро кооперациялаштириш дастурининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Йиғилганлар комбинатнинг келгусидаги режалари ҳамда тарихий музей экспонатлари билан танишдилар.

● «Навоийазот» ОАЖнинг юзга яқин собиқ ходимлари — уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, яқка-ёлғиз пенсионерлар жорий йил давомида корхонага қарашли шифонада бепул тиббий кўмак оладилар. Шу мақсадда корхона тиббиёт-санитария қисми врачларидан иборат махсус бригадалар тузилиб, улар 70 дан ортиқ кишини уйига бориб тиббий кўриқдан ўтказдилар.

● Ижтимоий химоя йилида мамлакатимизнинг жанубий қисмида яшовчи аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий йил бошидан буён Узун туманида 9 та ичимлик суви қувури тизими реконструкция қилинди. Боботоғ даҳасида 4 та қудуқ қазилди. Қуни кеча эса Шеробод туманида 19,5 километр узунликдаги сув қувури бунёд этилди.

ЖАҲОНДА

● Бугун Мисрнинг Шарм аш-Шайх курорт шаҳрида Исроил бош вазири Эхут Ольмерт, Фаластин миллий мухторияти раҳбари Махмуд Аббос ҳамда Иордания қироли Абдалла II иштирокида Фаластин-Исроил саммити бўлиб ўтди. Саммитда кўриладиган асосий масалалардан бири ХАМАС радикал ҳаракатининг бундан кейинги фаолиятига ҳам йўл қўймайлик бўлади.

● Буюк Британиянинг Манчестер шаҳрида бўлиб ўтган Лейбористлар партиясининг съезида 56 ёшли собиқ молия вазири Гордон Браун мамлакат Бош вазири Тони Блэр ўрнига партия етакчилигига сайланди. Яна икки йилдан сўнг Г.Браун Буюк Британия ҳукуматини ҳам бошқариши мумкин.

● Кеча Ливаннинг йирик автотрассаларидан бирида амалга оширилган кўпоровчилик ҳаракати миная билан тўла автомобильнинг портлатилиши оқибатида шу ерда хизмат вазифини ўтаётган Испания парашютчилар бригадасига тегишли 6 нафар ҳарбий ҳаётдан кўз юмди, яна икки нафари эса жароҳатланди. Ҳозирча ҳеч қандай гуруҳ ушбу терактни ўз зиммасига олмади.

● Германиянинг Нюрнберг шаҳридаги кўллардан биридаги ўлик гоз ва ўрдақлар танасидан парранда гриппининг белгилари топилди. Ҳозирда касалликнинг уй паррандаларида тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида бу ерда карантин эълон қилинган. Айтиш керакки ўтган йили Европа Иттифоқига аъзо 13 та мамлакатда парранда гриппи хасталиги қайд этилган.

● Франция пойтахти Париж шаҳрида Франция Ташқи ишлар вазири Бернар Кушнер ҳамда АҚШ Давлат котиби Кондолиза Райс ўртасида Суданнинг Дарфур музофоти бўйича музоқаралар бўлиб ўтди. Унда Дарфурда тинчликни таъминлаш мақсадида фаолият кўрсатаётган тинчликпарвар кучлар сонини ошириш хусусида сўз борди.

● Пентагон компьютер тизимига хакерларнинг кучли ҳужум уюштириши натижасида 150 та компьютер ишдан чиқди. АҚШ Мудофаа вазири Роберт Гейтснинг таъкидлашича, компьютерлар яқин вақт ичида тузатилади.

● Руминияда ҳавонинг кескин исби кетиши натижасида кўпгина муаммолар келиб чиқмоқда. Хусусан, сўнги ҳафтада иссиқ туфайли 19 киши ҳаётдан кўз юмди.

● Красноярскда Петропавловск-Камчатскака парвоз қилаётган «Ту-154» самолёти техника носозлик туфайли Хабаровск аэропортига қўнишга мажбур бўлди. Ушбу самолёт бортида 67 нафар йўловчи ва 10 нафар экипаж аъзоси бўлиб, қўниш пайтида ҳеч ким жароҳатланмади.

● Франция терма жамоасининг 29 ёшли мохир ҳужумчиси Тьерри Анрини Англиянинг «Арсенал» жамоасидан Испаниянинг «Барселона» клуби 24 миллион еврога харид қилди. Клуб ва ўйинчи ўртасидаги шартнома 4 йилга тузилган бўлиб, Анри кеча Каталонияга етиб келди.



«Универсиада — 2007»: Ёшлик ва дустлик ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Беш мингдан зиёд томошабинларнинг олқишлари остида «Универсиада — 2007»нинг ғолиб терма жамоалари вакиллари ўз автомашиналарида катта майдон бўйлаб фахрий давра ўташга мушарраф бўлдilar.

Турли спорт йўналишларида биринчи ўринни эгаллаган 230 нафар талабанинг ҳар бири ташкилотчилар томонидан велосипед билан тақдирланди. Бундан ташқари, кўплаб спортчиларга 20 га яқин номинациялар бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Олий ва ўрта махсус ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон касаб ва уюшмалари федерацияси, «Камолот» ЕИХ ва бошқа ҳомиёрларнинг қимматбахш совғалари топширилди.

Аввалги Универсиадаларнинг натижалари

сусайтиргандай туюлди, аммо биринчи ўриндан ўз нуносиб ўрнини топди.

— Спортда маҳорат ва омад тенгма тенг келади дейишди. Ким билсин, балки, биздан биров омад юз ўгирдимиз... Шахсан мен учун муҳими институтимиз вакиллари сафининг анча кенгайганидир. 22 талабадан ўқитиш терма жамоамизга совринлар келтирди. Азизбек Миркомиллов белбоғли кураш бўйича биринчи ўринни эгаллади. Дзюдочимиз Хуршид Набиев ҳам ўз вазида яна бир бор шохсулага муносиблигини тасдиқлаб олди. Дарвоқе, Хуршид Францияда ўтказилган Бутунжаҳон Универсиадада учинчи ўринга эришган, — дейди Самарқанд Архитектура-қурилиш институти проректори Файзулла Икромов.

— Самарқандда бўлиб ўтган мусобақаларда иккинчи ўринга сазовор бўлгандим, демокчиманки, бу йилги Универсиаданинг мен учун қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини тасаввур қилиш кийин эмас, — гуру билан деди Азизбек Миркомиллов. — Белбоғли кураш ўзига хос спорт тури, унда асосийси рақибнинг белбоғидан ушлаган ҳолда уни ёнбошлашига мажбур этилади. Мақтанлиш эмаску, аммо буни ҳамма ҳам ундайлавермайди. Икки томон учун ҳам бундай ҳолатда ўйинни давом эттиришнинг нечоғлик машаққатли эканлиги фақат спортчиларнинг ўзига аён. Белбоғли кураш айнан шу жиҳатлари билан мени

сифатида «Универсиада — 2007» ташкилотчиларига миннатдорчилик билдириб қоламман...

— Биз, андижонликлар учун, мамлакатимиз пойтахти — Тошкент шаҳрида Универсиада эстафетасини қабул қилиб олиш ҳам шарафли, ҳам масъулиятлидир, — дейди вилоятнинг сузиш бўйича терма жамоаси бош мураббийси Равшанбек Олимов. — Хозирча биз унча яхши натижаларга эриша олмадик. Бироқ ҳамма нарса таққослаганда аён бўлади, назаримда. Аввалги Универсиадаларга солиштирилган ҳолда айрим спорт турларида биз анча илгариларда, жумладан сузишда учинчи ўринни олдик. Спортнинг бу йўналишида иккита олтин медални кўлга киритдик. Стол тенниси бўйича учта олтиндага сазовор бўлиб, иккинчи ўринни эгалладик... Бундай нуфузли тадбирларни ташкиллаштиришда Тошкентдан биз кўп нарсани ўрганишимиз лозим. Олдинда уч йил бор. Шу қисқа вақт ичида янги спорт мажмуаларини қуриш, мавжудларини эса тартибга келтириш зарур бўлади. Албатта, қайсибир маънода янгиликлар ҳам кирита олсак фойдадан ҳол бўлмасди, масалан ҳакамлик бобидаги ташкилий масалаларга янада жиддийроқ ёндашиш лозим, назаримда. Шубҳасиз, спортдаги натижаларимизни янада кўтаришга ҳаракат қиламиз. Меҳмонларимизга кўрсатадиган мақтасна арзигулик имкониятларимиз ҳам бор. Вилоятда тарихий обидалар кўп. Андижон — аждодларимиз шаҳри, бу ерда буюк Бобур таваллуд топган. Шу билан бирга Андижон — бу замонавий шаҳар. Кун сайин шаҳримиз чирой очиб бормоқда. Асака эса Ўзбекистонни автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатлар қаторида дунёга танитди. Бир сўз билан айтганда, Универсиаданинг аҳамиятини янада оширишга ҳаракат қиламиз...

Хар қандай йирик тадбир қаторида Универсиада ҳам матбуотнинг иштирокини тасаввур қилиш кийин, десак адашмаймиз. «Универсиада — 2007» ўйинларини ёритишга оммавий ахборот воситаларининг 400 дан зиёд вакиллари жалб этилган бўлса, уларнинг самарали фаолият юритишларида ахборот марказининг ўрни сезиларли бўлди. Барча мусобақа ўтиш жойларига марказнинг бўлимлари ташкил этилиб, республиканинг ҳамма минтақалари билан алоқа телефон, факс, Интернет орқали узлуksиз таъминлаб берилди. Эътиборлиси шундаки, дастлабки маълумотларга қараганда, пойтахтимизда бўлиб ўтган мусобақаларга оид ахборотлар билан Россия, Австралия, Франция, Норвегия каби 27 давлатнинг 30 мингдан зиёд фуқароси танишган.

— Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро даражадаги турнирлар матбуот марказида ишлаб ортирغان тажрибамдан келиб чиқиб, шунга айтиш мумкин, «Универсиада — 2007» ахборот марказининг фаолияти аъло даражада ташкиллаштирилган, — таъкидлаб ўтди волейбол бўйича Тошкент шаҳар терма жамоаси аъзоси Обиджон Кодиржонов. — Гап шундаки, ахборот марказининг барча бўлимларида алоҳида компьютер хоналари бўлиб, улар замонавий техника билан жиҳозланган. Қолаверса, улардан фойдаланишда биз, спортчилар учун ҳам қулайликлар яратилган.

Универсиада спорт ўйинларининг нуфузи шундаки, унда яхши натижаларга эришган спортчилар кейинчалик асосий касби билан бирга спортнинг у ёки бу тури билан ҳам профессионал даражада шуғулланишга ҳаракат қилади. Универ-

сиаданинг қоидалари Олимпиада ўйинлари тизимига мувофиқлаштирилгани ҳам аҳамиятлидир. Маълум бўлишича, «Универсиада — 2007»да пойтахтимиз терма жамоаси таркибида голибликка эришган энгил атлетикачи Виталий Смирнов келгуси йилда Пекинда бўлиб ўтадиган Олимпиадага йўланмани кўлга киритган. Яқин кунларда эса ушбу Олимпиада олдидан Беларуссия, Хитой ва Жанубий Кореяда дзюдо бўйича ўтказиладиган ўқув машқларига кураш бўйича мутлақ жаҳон чемпиони, уч қарра Универсиада ўйинлари ғолиби — Абдулла Тангриев ҳам қатнашди.

— Гандболчи ва баскетболчи қизларимиз ҳам бу сафар ўз рақибларидан сезиларли даражада ўстун келишди, дейишга ҳақимиз, — алоҳида таъкидлаб ўтди Ўзбекистон Миллий университети проректори Тўхтастон Абдурахмонов. — Аввалги йилларга қараганда йилгит-қизларимизнинг аиникса қайд этилган спорт турларида техника маҳорати анча ошгани, кишини албатта, қувонтиради. Бу уларнинг профессионал даражадаги имкониятлари охиш бораётганидан далолатдир. Гап фақат бизнинг терма жамоамиз ҳақида эмас, балки бундай таърифга республикамизнинг кўплаб ўғил-қизлари лойик. Бунинг замирида эса авваламбор ёшларимизга, уларнинг баркамол бўлиб воғга етишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар муккасмадир. Мамлакатимиз Президент таъаббуслари билан барча жабҳаларда, жумладан таълим тизимида ҳам спорт иншоотларининг моддий-техник негизини яхшилаш ва мукамаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганига гувоҳимиз. Кейинги туртбеш йил ичида юзлаб янги спорт заллари майдончалари, бошқа иншоотлар барпо этилиб, мингдан зиёдлари қайта таъмирланди... Талаба-ёшларимиз яшаш жойларига яратилган шароитларни кўриб кишининг кўзи қувонади. Бугунги кунда университетимиз 10 дан зиёд турли мамлакатлар билан ҳамкорлик ўрнатган. Универсиада олдидан меҳмон бўлган Россия, Чехия, Польша давлатларининг таълим соҳасидаги вакиллари ўқиш жараёни ва ёшларимизга яратилган шароитлар, аиникса олий ўқув юртилари спорт мажмуалари билан танишиб, хайратга тушишди. Жисмоний тарбия ва спорт, шубҳасиз, инсонни ҳасмонан бақувват қилади. Универсиада каби оммавий спорт ўйинлари эса биринчи навбатда, юқорида айтиб ўтилганидек, ўсиб келаётган авлоднинг саломатлигини ўйлаб қилинаётган ҳаракатдир. Шу билан бирга биз янги ғолибларни аниқлаб, бўлажак халқаро мусобақалар иштирокчиларини ҳам кашф этамиз. Айнан шу тариха спорт, Ўртобшимиз айтиб ўтганларидек, мамлакатни дунёга тараннум этиш кучига эгадир...

«Ёшлик» спорт мажмуасида концерт дастури намойиш этилаётган бир пайтнинг ўзида аста-секин Универсиада байроғи туширилди. Шубҳасиз, бу хайралишу дақиқалари ақинлигидан ишора бўлсада, аслида ҳамма Универсиаданинг давомийлигини яхши тушунарди. Универсиада эстафетасини Андижон вилояти вакиллари қабул қилиб олишди. 2010 йилда Андижон бешинчи бўлиб талаба-ёшларнинг спорт ўйинларига мезбонлик қилади. Демак, кейинги мусобақаларга тайёргарлик ишлари бугундан бошлаб юборилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА
СУРАТЛАРДА: Универсиаданинг яқини қисмидан лавҳалар.
Наталья Семёнова олган суратлар



рини таҳлил этган ҳолда, шунга таъкидлаш кераки, бу сафар ҳам голибликка асосий даъвогарлар, шубҳасиз, яхши маълум жамоалар бўлиб, улар имкониятларини кенгайтириб ўз устунликларини яна бир бор намойиш этдилар.

Наманган вилояти барча ўтказилган Универсиадаларда турли даражаларда етакчилик қилиб келмоқда. 2000 йилдаги талабалар ўйинларига мезбонлик қилган бу минтақа биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Бухоро ва Самарқанддаги мусобақаларда фахрий учинчи ўринларга эришган. Шундан келиб чиққан ҳолда ўтган вақт ичида наманганликларнинг спорт бобидаги маҳорати анча ошган, десак бўлади — бу сафар улар иккинчи ўрин соҳиб бўлди. Жамоалар таркибида эса волейбол, баскетбол, стол тенниси ва энгил атлетикада наманганликлар яхши натижаларга эришишди.

Бундан фарқли ўлароқ, 2004 йилдаги Универсиадада иккинчи бўлган Самарқанд вилояти бу сафар имкониятларини бироз

қизиктиради. Кейинги йилларда курашнинг бу тури ҳам дунё спорт майдонида тан олинаётгани эса албатта фахрли. Хусусан, шу йилнинг август ойида белбоғли кураш бўйича халқаро турнир режалаштирилмоқда ва унда иштирок этиш ниятим бор.

Ўткир Курбонов ҳам Самарқанд вилоятининг гуруридир. Универсиада мусобақаларида Ўткир вилоят жамоаси ҳисобиغا келма-кет учта олтин нишонни кўшди. 2004 йилда у дзюдо ва кураш бўйича 100 килограммгача вазнда иккита олтин медални кўлга киритган. Бу сафар эса кураш мусобақаларида ўз вазида унга тенг полвон топилмади.

— Спортнинг аксарият кураш турларида етакчилик қилиб келаётганимиздан қайд этилган голибларимизнинг натижалари яна бир бор далилдир, — сўзида давом этади у. — Мусобақалар ҳам, маданий хордик тадбирлари ҳам юқори даражада ўтди ва фурсатдан фойдаланиб, терма жамоамизнинг ишчи гуруҳи вакили

Фаргона - Бухоро 19:32, Наманган - Андижон 18:30.

«Универсиада — 2007» мусобақалари дастуридан жой олган волейбол бўйича эркаклар ўртасида биринчи босқич якунланди. Унга қўра, ўз рақибларини мағлубиятга учратган Навоий, Сурхондарё, Андижон, Фарғона, Наманган ва Қорақалпоғистон волейболчилари медаллар учун курашиш ҳуқуқини кўлга киритди.

Хотин-қизлар ўртасида эса дастлабки босқичдан муваффақиятли ўтган жамоалар иккинчи тур беллашувида майдонга тушди. Ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Самарқанд - Навоий 0:2, Қорақалпоғистон - Андижон 2:0, Тошкент шаҳри - Хоразм 2:0, Наманган - Жиззах 2:0.

Зоҳир ТОШЎХҲАЕВ,
ЎЗА муҳбири

ТАЛАБАЛАР ТАРИХ МУЗЕЙИДА

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ДАСТУРЛАР ДОИРАСИДА «УНИВЕРСИАДА — 2007» СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИДАН БИР ГУРУҲИ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИДА БЎЛДИЛАР.

Ушбу даргоҳнинг бой экспозициясини кўздан кечирган киши башарият таракқиётининг бешикларидан бўлган Ватанимиз тарихи нечоғли бой ва қадимий эканлиги яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Музей хазинасидаги икки юз эллик

мингдан зиёд ранг-баранг, бебаҳо археологик осори-атикалар, нумизматика, этнографияга оид экспонатлар, қимматли архив ҳужжатлари бунинг ёрқин далилидир. Истиклол йилларида тарих соҳасида олиб борилган кенг қўламли илмий тадқиқот ишлари натижасида музейнинг янги экспозицияси яратилди. Мамлакатимизнинг барча худудларидаги маданий-маънавий, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, миллий давлатчилигимизнинг шаклланиши ва тадрижий босқичлари чуқур илмий асосда ҳолисона ёритиб берилди.

Музей экспозицияси тош даврдан то ҳозирги кунимизгача бўлган даврни қамраб олган.

— Бу ерда ташкил этилган «Тошкент: кеча ва бугун» мавзусидаги тарихий кўргазма бизда, аиникса, катта қизиқиш уйғотди, — деди Нукус давлат педагогика институти талабаси Алишер Зулхандаров. — Унда намойиш этилаётган экспонатлар билан танишиб аждодларимиз диний, дунёвий илмлар ривожига улкан ҳисса қўшганига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. «Универсиада — 2007» спорт мусобақалари иштирокчилари Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейи, Маданият ва санъат кўргазмаси заллари ҳамда бошқа маданий-маърифий масканларда ҳам бўлдилар. (ЎЗА)

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

●Финляндиядаги «Дитер электроникс» фирмаси ультратовуш билан даволайдиган «Ультрасоник» С 3000» апаратыни яратди. Унда беморни турли касалликлардан даволашда ишчи қисмини алмаштириб ўтириш талаб қилинмайди. Хозирги вақтда мослама радикулит, ревматизм, артроз, ампутациядан кейинги оғриқни қолдириш ва спорт ўйинлари вақтида олинган турли зарбаларни даволашда муваффақиятли қўлланила бошлади.

●Биз яшаётган моддий олам сир-синоатларга тўла. Яқинда Руминиянинг жанубий шарқида Қора денгизга яқин жойда гор топиладан. Унинг қандайдир биологик ҳалокат сабабли бундан 5,5 миллион йил муқаддам ташқи оламдан мутлақо ўзилиб қолганлиги аниқланди. Форда ва ундаги кўлнинг 1,5 метр чуқурликдаги тубида турли хил майда жониворлар яшар экан. Ўтган миллион йиллар давомида горда яшовчи жонзотлар шаклан ўзгара борган. Жами 50 турдаги майда жониворларнинг 33 хили хозиргача фанга мутлақо маълум эмаслиги гоёт хайратланарлидир.

●Тбилисидаги «Саване» фирмаси Грузиянинг виночиликка ихтисослашган энг кекса корхоналаридан ҳисобланади. Фирма ертўласида юзлаб турдаги ноёб ичимликлар сақланади. Улар орасида 360 йиллик «Вабога қарши» рус ароғи, 1886 йилда ишлаб чиқарилган «Мухранули» виноси, 300 йиллик венгер либери ва бошқа ичимликлар бор. Бу ичимликлар орасида N харфи босилган коньяк шибаси мутахассислар эътиборини тортди. Кейинроқ маълум бўлишича, салкам юз йилдан буйун сақланиб келинаётган ушбу коньякни император Наполеоннинг ўзи тайёрлаган экан. Ичимлик императорнинг ертўласидан «ўлжа» олинган бўлиб, шу вақтгача ҳеч кимнинг эътиборини жалб қилмаганлиги қизиқ.

●Майда кемирувчилар ўзларининг йирткич қушандасини кўриши билан дарҳол кўрқиб қочиши ва ўзини пангага олишини ҳамма билади. Худди шу пайтда уларда оғриқни сезмайдиган тўйғу пайдо бўларкан. Канадалик олим Мартин Кавельнинг сичқон устида олиб борган тажрибалари натижалари шунга кўрсатдики, агар сичқон хид билиш органлари орқали сувсир хидини сезса, 15 дақиқа давомида оғриқ сезиш қобилиятини йўқотар экан. Агар сувсар хиди унга яна таъсир этса, у ҳолда оғриқни сезмаслик 45 дақиқача қўзилади. Кавельнинг таъкидлашича, бундай хусусият одамда ҳам мавжуд экан.

●Американинг «ИБМ» ва «Спектрум Халфкеар Солюшна» компаниялари бемордаги касалликни аниқлаб берувчи автоматик мослама яратдилар. Касалхоналардан жой олувчи бундай мослама қон босими, пульс, организм ҳарорати, нафас олиш ҳажми ва тезлигини аниқлаб беради. Мослама ташхис қўйиши, даволаш йўлини кўрсатиши ва касаллик тарихини ёзиб бориши мумкин. Видео— дисплей ёрдамида барча ишларни амалга ошириш мумкин бўлиб, автоматик мослама нархи 4400 доллар атрофида туради.

●Япониянинг Хоккайдо оролида ташландик пластмассалардан бензин, керосин ва дизель ёқилғиси олиш технологияси йўлга қўйилган. Полиэтилен, полипропилен, полистирол ва хлорли пластмассаларни ёқилғига айлантиришда цеолитлардан катализатор сифатида фойдаланилмоқда. Шундай қилиб 300-400 даража ҳароратда 2 килограмм пластмасса чиқиндиларидан 1 литрга яқин ёқилғи олина бошланди. 1 тонна чиқиндини қайта ишлаш 225 доллар тушади.

●Қадимги Хитойда бадавлат одамлар чинни идишда таом тановул қилишган бўлса, камбағаллар темир идишда овқатланишган. Бу одат авлоддан-авлодга ўтиб давом этган. Кейинчалик темир товоқлар ўрнини арзон алюмин идишлар эгаллаган. Бироқ, янги идишлар пайдо бўлиши билан аҳоли ўртасида камқонлик билан оғриган беморлар сони ортиб борган. Олимлар қадимги Хитой табобати ҳақида ҳужжатларни текшириши натижасида ҳақимлар соғлиққа фойда деб темир идишларни тавсия қилишгани маълум бўлди. Улар темир идишсиз қон янгиланмайди, деб таъкидлашган. Хозирги вақтда Хитойда эски темир идишлар жуда қиммат туради. Бундай идишларни фақат ўзига тўқ бой хонадонгига сотиб олади, камбағаллар эса алюмин идишларини чиннига алмаштиришмоқда. Нима бўлганда ҳам чинни идишнинг зарари йўқда.

●Тупроқнинг кислотали ва ишқорийлик муҳити ўсимлик учун муҳим роль ўйнаши маълум. Бунга илгарилар индикатор қоғози ёрдамида тахминий билиб олинди. Эндилдиқда бу вазифа «ИКТ»-«Дельта» номли кичик асбоб ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Хар бир киши фойдаланиши мумкин бўлган асбобнинг металллик электродлари қумқоғоз билан тозаланиб, тупроққа киргазиб қўйилади. 20-30 дақиқадан сўнг асбобдаги сонлар тупроқ ҳолатини аниқ кўрсатиб беради. Майдоннинг турли жойларида кислотали хусусияти хар хил бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш иш қуриш керак бўлади. Бу маълумотларга қараб тупроқ тупроқ учун ишлатиладиган оҳақ микдори (уни нейтралловчи маҳсулот) аниқланади. Кейин тупроқ яхшилаб аралаштирилади. 20 кунлардан кейин тупроқ ҳолати яна қайта ўлчанади ва шунга қараб иш қурилади.

●Элементорорганик бирикмалар қимёси ва технологияси илмгоҳи ҳодимлари силанзанлар ишлаб чиқариш саноат чиқиндиларида саноат оқава сувларини тозаланиш тақлиф қилишди. Бу мақсадда аммоний хлориддан фойдаланилади. Илгарилари ана шу мақсадда ишлатилувчи ўғит бўлган аммоний сульфат энди далаларга юборилди. Бундан қишлоқ хўжалиғи фойда қўради. Экология бўйича ютқуқ эришилади.

●Мисрлик машҳур кизикчи Аҳмад Бадр телевизион фильм суратга олинаётган пайтда Тасодифан ўлимдан бир амаллаб кутулиб қолди. Фильм матнига мувофиқ у тасодифан ҳовузга йиқилиб тушиши керак эди. Аҳмад ўзини сувга ташлаш олдидан ҳамкасблариға сузишни билмаслигини айтиб, уларни оғохлантирди, лекин кизикчининг бу гапларини навабдаги ҳазилга йўйишди. Режиссёр суратга олинган кадрлардан жуда мамнун бўлди. Чунки артист унинг фикрига қараганда чўкаётган одамни қойилмақом қилиб кўрсатиб берган эди. Унинг боши сувда гоҳ қўринар, гоҳ қўринмас, орадан бир неча лаҳза ўтган, «чўкяпман» деб бақирганини ҳамма одамлар кулги билан қарши олишганди. Аҳмад сув тағида қолиб кетгандан кейингина, ҳамкасблари ташвишланишди ва уни қутқаришга тушишди. Воқеа бўйи берган жойга етиб келган шифокорлар ўлим билан олишаётган кизикчинини зўрга қутқариб қолдилар.

ИШГА АМАРХАМАТ!

Бандлик

ҲАМКОРЛИК ТОБОРА РИВОЖЛАНМОҚДА

БУГУНГИ КУННИНГ МУҲИМ МАСАЛАЛАРИДАН ҲИСОБЛАНГАН ДОИМИЙ БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ПОЙТАХТИМИЗДА АНИҚ РЕЖАЛАР АСОСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИНИНГ МЕХНАТ, АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ ТАСАРРУФИДАГИ ТУМАН БАНДЛИККА КЎМАКЛАШИШ МАРКАЗЛАРИНИНГ МУНОСИБ ҲИССАСИ БОР. ЖУМЛАДАН, МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАН БАНДЛИККА КЎМАКЛАШИШ МАРКАЗИ РАҲБАРИ БАҲРОМ ЮСУПХОНОВ БИЛАН СУҲБАТИМИЗ ШУ ХУСУСДА БЎЛДИ.

— Баҳром ака, жамоангизнинг жорий йил бошидан амалга оширган ишлари ҳақида гапириб берсангиз.

— Бизнинг туманимизда 52 та маҳалла мавжуд бўлиб, улардаги оқсоқоллар билан марказимиз ходимларининг фаолияти ўзаро ҳамкорликка асосланган. Бойси, асосий вазирамизни бажаришда уларнинг ўрни бекиёс. Ўзини-ўзи бошқариш органла-

ри раислари, фаоллари маҳаллаларида истиқомат қилувчи аҳолининг бандлик муаммоси, қизиқишлари, интилишлари, асосийси, ижтимоий ҳолатидан яхши хабардор ҳисобланади.

Ўтказилган мониторинг асосида айтишимиз мумкинки, жорий йил бошидан буён банд бўлмаган аҳолидан ишлаш истагини билдириб, 998 нафар фуқаро бандликка кўмаклашиш, марказимизга мурожаат этган. Шулардан 639 нафари рўйхатдан ўтган, 349 нафар фуқаро малакали маслаҳатлар олишган.

Ишга жойлаштириш режамиз эса 100 фойздан ортқача бажарилди. Яъни, 270 нафар ўрнига, йил бошидан 273 нафар фуқаро хошиш-истагини кўра мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди. Улардан 312 нафари аёллардан иборатлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бундан ташқари, туманимиздаги «Бир марталик вақтинчалик иш билан таъминлаш маркази» миз орқали 39 нафар фуқаролар ҳақ тўланадиган жамоат ишларида жалб этилди. Боянга етмаганлардан 3 нафар ёшлар бизда рўйхатдан ўтди, улардан 2 нафари ишга жойлаштирилди ва битта ўсмир бош бошқармамизга қарашли Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта

ўқитиш ва малакасини ошириш марказига касб-хунарга ўқиш учун йўлланма билан юборилди...

Кундалик иш режаларимиз қатори йил давомида 8 марта «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Улар туман микёсида, худудий бўлиб, мақсади миз ярмаркаларнинг самардорлигини таъминлашдан иборат. Шунга айтиш лозимки, барча ишимизни Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни, Меҳнат Кодекси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Адлия вазирлигида тасдиқланган «Меҳнат органларида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан «Аҳолини иш билан таъминлаш дастури» ҳамда бевосита бош бошқармамиз томонидан берилган йўриқномалар асосида юритамиз.

—Туманда яратилаётган янги иш жойлари ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

— Кейинги йилларда давлатимиз томонидан иқтисодий таъминоти ривожига қаратилган ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу борада эълон қилинган Президентимизнинг қатор Фармон ва Қарорлари асосида катта-катта корхоналар, ташкилот, компания, бошқармалар, хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан янги иш жойлари яратилмоқда. Бугунги кунгача туманимизда 76 та корхона 2181 та янги иш ўринлари яратди, улардан 709 таси аёлларга мўлжалланган. Масалан, «Al-tong-servis» хусусий корхонаси, «Sadu-tur-bisnes», «Fared-servis», «Аэродент-Тошкент», «Абрау-сепмент», «Афина-Палас-плюс» масъулияти чекланган жамиятлари, «Anshat-trading» шўба корхоналарида Ижтимоий ҳимоя йиллида қўллаб-қувватлаш бўлими аҳолини таъминлади.

Эътиборли томони, Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тад-

бирлари тўғрисида»ги Фармонининг туманимиздаги ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган режада ишлар ҳам салмоқли. Биз асосий эътиборни аёлларнинг бандлигини таъминлашда уларнинг оила, фарзандлар тарбияси, миллий хусусиятларни назарда тутган ҳолда иш тавсия қиламиз. Кўп болали, кам таъминланган, ногирон фарзанди бўлган оналар доимий диққат марказимизда.

— Баҳром ака, ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан жамоанинг белгиланган ишлари қандай кечмоқда?

—Аҳолининг ижтимоий муҳофаза-сига қаратилган ишлар марказимиз жамоаси фаолиятида асосий ўрин тутади. Туманимизда истиқомат қилувчи аҳоли, айниқса, ижтимоий ёрдамга муҳтожлар—кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногирон, ногирон фарзандни тарбиялаётган фуқаролар оилалари, бундан ташқари 2 ва 18 ёшгача болаларига нафақа олувчи аҳоли (меҳнат бозорига бошқалар билан тенгма-тенг рақобатга кириша олмайдиганлар) билан алоҳида иш олиб борамиз. Масалан, бугунги кунгача туманимиздаги 9 та «Янги ҳаёт», «Туркистон», «Навбахор», «Улуғбек», «Оқибат», «Дархон» каби маҳаллаларда марказимиз томонидан тадбирлар уюштирилмоқда. Уларда аҳолини қизиқтирган масалалар бўйича маслаҳатлар берилиб, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Хусусан, марказимизга жорий йил бошидан туманимизда истиқомат қилувчи 2 ёшгача фарзанди бўлган 225 та оиладан нафақа тайинлашиш сўралиб, ариза келиб тушган. Улардан 192 та ариза эгаларига белгиланган нафақа берилди. Жумладан, 18 ёшгача фарзандлари бўлган (ариза билан мурожаат этган) 515 та оиладан 440 нафарига нафақа берилмоқда. Бундан ташқари, 813 та моддий ёрдам сўраб ариза берганлардан 741 нафар фуқароларга нафақа пули тўланмоқда...

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

ЎЗБЕКИСТОН — ЦИВИЛИЗАЦИЯДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ» МАВЗУИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ АВГУСТ ОЙИДА

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ» МАВЗУИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

У Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданиятининг пойтахти, деб эълон қилинган бағишланади. Тадбирда иштирок этиши мўлжалланаётган Сеулдаги Ханянг университети ва Ху Лининг маърузаси «Ўзбекистоннинг Корея ярим ороли билан Фарбий Осиёни боғловчи маданий кўприк сифатидаги роли», деб номланади.

Тошкент конференциясида Хи Су Ли Буюк Ипак йўлида Ўзбекистоннинг тарихий роли ва ўрни билан боғлиқ масалаларни ёритишни мўлжаллаган. У конференция ташкилий кўмитаси манзилли юборган ўз маърузасида замонавий Ўзбекистон худуди Буюк Ипак йўлида гоёта муҳим маданий ва жўрофий ўринлардан бирини эгаллаб келган инсоният цивилизацияси ва тарихининг асосий марказларидан бири бўлгани кўрсатилади.

Қадим даврлардан буён ҳозирги Ўзбекистон худудидан Корея ярим оролига бой маданий-тарихий ва маънавий мерос билан бирга юксак даражадаги илм-фан ва технологиялар ҳам кириб келган, деб ҳисоблайди Хи Су Ли.

Тарихан Корея ва Фарбий Осиё ўртасидаги савдо-сотиқнинг салмоқли қисми ҳозирги Ўзбекистон худуди орқали ўтганини тўғрисида етарлича маълумотлар мавжуд. Силла подшоҳлиги пойтахти Куонг-жуада қадимий қабрлардан топилган шиша идишлар ва бошқа археология топилмалари бунга мисол бўлади, деб таъкидлайди олим.

1145 йилда тузилган Уч Қироллик расмий солнома-си — «Самгуксаги»да савдогарлар Мовароуннахрдан ташийдиган ва Корея ярим оролига кенг фойдаланиладиган маҳсулотларнинг тўла рўйхати бор.

Марказий Осиёда ислом дини қарор топганидан сўнг Мовароуннахр мусулмонлари ва Корея ярим оролидаги корейлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар бўлганлиги 20 та исломий манбаларда баён этилган. Улар 9-16 асрларда Ибн Хурдадбей, ал-Масъудий, Сулаймон ал-Тожири ва бошқа машҳур мусулмон тарихчи ва географлари томонидан ёзиб қолдирилган. Жумладан, Ибн Хурдадбей Силла Бирлашган Қироллигида худуддаги ислом динига мансуб аҳоли вакиллари-нинг манзилгоҳлари ҳақида маълумот берган биринчи мусулмон ҳисобланади.

Корея тарихида Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари тарихий воқеалар билан боғлиқ ҳолда тез-тез эслаб ўтилади. Мисол учун, Самарқанд Корейнинг қўллаб-қувватлаш тарихий ҳужжатларида юқори сифатли зумрад ишлаб чиқариладиган асосий худуд сифатида тилга олинган.

Ўрта асрларда Корея саройларида Бухородан келтирилган мусиқа асбобларида наволар ижро этилган. Шунингдек, Хи Су Лининг фикрича, Корея тарихий солномаси батафсил таҳлилини амалга ошириш орқали Корея ярим ороли ва замонавий Ўзбекистон худуди ўртасида мавжуд бўлган тарихий ва маданий алоқаларнинг муҳим далилларини қўлга киритиш мумкин.

Корея ярим оролида ислом астрономияси, тиббиёти, мезморчилиги, ҳарб иши ва бошқалар кенг қўлла-ниланган. Жанубий корейлик олим фикрига кўра, атоқли ўзбек қомусчи олимларнинг қўллаб-қувватлашлари ва тадқиқотлари туфайли ўрта асрларда Корея кўпгина илмий ва маданий ютуқларга эришди.

«Жаҳон» АА

Тақдимот

ШАРҲЛОВЧИННИНГ ЙЎЛИ

ИНСОН УМРИ СИНОВЛАРДАН ИБОРАТ. КИМ БУ СИНОВДАН ЎТАДИ, КИМЛАР ЭСА... БУТУН ҲАЁТ ЙЎЛИНИНГ ҚАРИЙ 40 ЙИЛДАН КЎПИНИ ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЖАНРЛАРИДАН БИРИ БЎЛГАН—СИЁСИЙ ПУБЛИЦИСТИКАГА БАҒИШЛАБ КЕЛАЁТГАН АРДОҚЛИ ИЖОДҚОР ТАЛЪАТ СОЛИЕВ АНА ШУ УМР СИНОВИДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТАЁТГАН, ҲАЁТИДАН МАМНУНЛИК ТУЯЁТГАН УСТОЗ ЖУРНАЛИСТЛАРДАНДИР.

Ҳақиқатда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида таъкикли публицистик, сиёсий шарҳловчи Талъат Солиевнинг «Шарҳловчининг йўли» деб номланган адабий-сиёсий публицистик китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Кечада академик Азиз Қаймонов, фалсафа фанлари доктори Наим Фойлов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Мақсуд Қориев, тарих фанлари номзо-ди Собир Қурбонов, сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков ва бошқалар сўзга чиқиб, девяри ярим аср мобайнида сиёсий шарҳловчи сифатида қалам теб-ратган, дунё воқеаларининг кўз илғамас жиҳатларини тўшунтириб беришга ҳаракат қилган, хориж мамлакат-ларининг ташқи сиёсатини ҳолис ёритиб, жаҳон халқ-лари тақдир тўғрисида батафсил маълумотлар бе-риб келаётган Талъат Солиевнинг ҳаёт йўли, машақ-қатли, аммо шарафли меҳнатлари ҳақида тўхталиб ўтилди. Шунингдек, улар китоб ҳақидаги илиқ фикр-ларини, ўз мулоҳазаларини ҳам баён этдилар.

— Мен,— дейди Талъат Солиев биз билан суҳба-тида,— ўз умр йўлларимни эзгулига йўрилган меҳнат билан чамбарчас боғлаганман. Инсон ҳар доим ўзли-гини унутмаслиги, яхшилик ва меҳр-оқибатга интили-ши ҳолда яшамоғи шарт деб ўйлайман. Агар хизматла-рим ози-кўпми муштарийларга манзур бўлган бўлса ўзимни бахтиёр ҳисоблайман. Яна шунга ҳам эътироф этиб ўтишим керакки, «Тошкент оқшоми» менинг энг сеvimли газеталаримдан биридир. Унинг саҳифала-рида қўллаб-қувватлаш бадийи, публицистик мақола-ларим эълон қилинган. «Шарҳловчининг йўли» деб ном-ланган мазкур китобимда ҳам газетангиз ҳақида илиқ фикрларим бор...

Дарҳақиқат, Талъат Солиев «Ўзбекистон Мустиқ-лигининг 10 йиллиги» кўрак нишонига ҳамда «Меҳнат шухрати» ордени соҳиб, таникли публицистик, ташқи сиёсат, халқаро муносабатлар ва жаҳон муаммолари тўғрисида ўнлаб рисола ва юзлаб мақолалар ёзган, илмий изланишлар олиб борган иқтидорли ва меҳ-наткаш муаллифдир. Биз Талъат Солиевнинг ижод йўлига янада равнақ тилаб қоламиз.

Гулчехра САТТОР қизи

Ёшлар—келажакимиз

БУГУНГИ КҮН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА БАРЧА СОҲАЛАРДА БЎЛГАН КАБИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ҲАМ ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ҚАТОР ИСЛОХОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. УШБУ ИБРАТЛИ ИШЛАР ЗАМИРИДА ЭРТАНГИ УМИД ЧЕКАКЛАРИМИЗНИ ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИГАН ГЎЗАЛ ХУЛҚЛИ, ЖИСМОНАН БАҚУВБАТ, БИЛИМЛИ ВА АЛБАТТА, БИРОН КАСБ-ХУНАР ЭГАСИ, МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШДЕК ЭЗГУ МАҚСАД МУЖАССАМ. БИЗ ТОШКЕНТ МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИДА БЎЛГАННИМИЗДА УНИНГ ДИРЕКТОРИ ПЎЛАТ ЙЎЛДОШЕВ ЖАМОАНИНГ БУ БОРАДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ ХУСУСИДА ҚЎЙИДАГИЛАРНИ СЎЗЛАБ БЕРДИ:



—Юртимизда таълим-тарбия тизимини такомил-лаштириш, кадрлар тай-ёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш, ёш авлод-ни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбия-лаш, ёшларга жаҳон андо-залари даражасида таъ-лим бериш, малакали му-тахассислар тайёрлаш касб-хуна-р коллежлари олдидаги муҳим, асосий ва-зибалардан ҳисобланади. Бизнинг таълим маскани-мизда ҳам 2006-2007 ўқув йилида 1000 нафардан ор-тиқ ўқувчилар тахсил олди, улардан 345 нафари ҳадемай учирма бўлади. 9-синф негизига 7 та—сув хўжалиги ва мелиорация; автотранспорт воситалари-га техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш (ушбу мута-хассисликка ўқиш даврида «В» ва «С» тоифали хайдов-чилик гувоҳномаси ҳам бе-рилади); бухгалтерия ҳисо-би; менежмент; солиқ ва солиққа тортиш; банк иши йўналишларида мутахас-сисликларга ўқитилади.

Бунинг учун эса коллежи-мизда барча шарт-шароит-лар яратилган: ўқувчилари-мизнинг яхши билим олиш-лари, касбларини чуқур ўрганишлари ҳамда амалий кўникмалар ҳосил қилиш-лари учун махсус жиҳозланган фан хоналари, замонавий компьютер хоналари, ахбор-рот-ресурс маркази, Маъ-навият-маърифат хонаси, югуриш йўлаклари, спорт

майдони ўқувчилар ихтиё-рида. Асосийси эса 100 на-фардан ортиқ аҳил-иноқ, малакали, касбига алоҳида меҳр қўйган педагог-ўқиту-чи ҳамда ишлаб чиқариш усталари жамоасининг зах-матли меҳнатини алоҳида таъкидламоқчиман. Улар орасида 1 нафар иқтисод фанлари доктори, профес-сор, 4 нафар фан номзод-лари, 20 нафар олий тои-фали ўқитувчиларнинг кўп йиллик самарали фаолияти, шарафли касбини эъозлаб келаётганлари, ўқувчи-ёшларда касбларига меҳр-муҳаббат уйғотиб, келажак ҳаётларида умид билан қарашга ўргатаётганлари муносиб баҳосини олмақда.

Тахсил олишнинг сама-рали, замонавий йўллари-ни қўллаган ҳолда, ўқувчи-ларимизнинг дарсларда олган назарий би-лимларини амали-ётда синаб кўриш ҳамда мустаҳкам-лаш учун коллежи-миз маъмурияти-нинг саъй-ҳаракати туфайли қўллаб-қувватлаш, олий ўқув юр-тлари, банклар билан узоқ йиллар-дан буён шартнома орқали яқин ҳам-корлик йўлга қўйил-ган. «Сувсос» трес-ти, «Экосан» халқ-ро ташкилотининг Тошкент шаҳар бўлими, «Узавтоса-ноатранс» бирлаш-

маси, 2,8,25,19-автосарой жамоалари, «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар бўлими, «Осиёсай-ёҳтранс» масъулияти-чек-ланган жамияти, «Тошкент агрегат заводи» акциядор-лик жамияти, Халқ банки-нинг туман бўлимлари ва албатта, Тошкент Иррига-ция ва мелиорация инсти-туту, Молия институту ҳамда Солиқ академияси шулар жумласидандир.

Эътиборли томони, бу-гунги куннинг долзарб ма-салаларидан ҳисобланган бандликка кўмаклашиш, яъни битирувчиларимиз-нинг ишга жойлашишлари-га бевосита ва билвосита кўмаклашамиз. Ўқувчи-ларимизнинг дипломолди амалиётларини юқоридаги ҳамкорлар кўмагида таш-киллаштирамиз, натижада қўллаб-қувватлашимиз ишга тақлиф олишади. Коллежини битиргач эса улар иш жойларига эга бўлишади.

Коллежимизга мутаса-ди ташкилотлар ва ҳамкор-лар катта амалий ва услу-бий кўмак бериб, таянч бўлмоқда. Чунончи, 2008-2009 ўқув йилидан таълим масканимиз тўла рекон-струкция қилинади ҳамда за-монавий ўқув биносига ёшларимиз жаҳон андоза-лари даражасида тахсил олишади.

Бозор иқтисодиёти ша-

роити талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритаёт-ган жамоамиз аҳли колле-жимизнинг моддий-техник-ка базасини мустаҳкамлаш учун самарали саъй-ҳара-катларни амалга ошириш-ни режаллаган: қўллаб қизи-қарли, кенг камровли ва асосийси, соф даромад манбаларини топиш мақса-дида бир қанча лойиҳа, ишланмалар тайёрланган. Яқин келажакда коллежи-мизда ўрта бўгин мутахас-сислари учун малака оши-риш курсларини ташкил этишни қатъий режамизга киритганмиз.

Айни кунларда консуль-татив марказимиз ишлари қизғин паллага кирган. Жорий йил бошидан бел-гиланган режага асосан шахримиздаги 150 тадан ор-тиқ мактаб жамоалари билан фаол иш олиб бо-рилди. Яъни, битирувчи-лар, уларнинг ота-оналари ҳамда ўқитувчилар учун коллежимизда ҳар ҳафта (икки марта мактабларга бориб) касб фестивалла-ри—«Очиқ эшиклар кун», «Касбим—фаҳрим», «Касб танлашда адашманг» каби тадбирлар, учрашувлар уюшқоқлик билан ўтказил-ди. Таълим масканимизда-ги йўналишлар, касбларга кириб бориш, бу ердаги яратилган шарт-шароит-лар, имкониятлар хусусида суҳбатлар уюштирилди, тарғибот-ташвиқот иш-лари олиб борилди.

Бир сўз билан айтганда, жамоамиз замон талаб-ларидан келиб чиққан ҳол-да ёшларга билим бериш, касб-хуна-р ўргатиш, шу-нингдек, уларнинг ҳаёт йўлида қолқинмай, тўғри йўлни танлаш олишларида муносиб ўрин тутгани эзгу мақсад қилган ҳолда дои-мий изланишда.

МУЯССАР УМАРБЕКОВА СУРАТЛАРДА: Тошкент Мелиорация ва сув хўжа-лиги касб-хуна-р коллежи ҳаётидан лавҳалар





МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БУСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ХИКМАТЛАР

- Кўрганинг дунё—сабаблар маскани, Бесабаб келмайди ризқ, ахтар уни.
- Ризқ уйининг, деди ул сохибвукуф, Эшиги бордир, ўшал эшикда кулф.
- Жонни берган кимса нон ҳам бергуси.
- Ризқ ўзи келгай—керак сабру чидам, Бесабрлар қисмати ранжу ситам.
- Таъмадин жонингга етгайдир бало.
- Ризқинг истарсен, тилаб, етмоққа зор, Ризқ-да етсам дейди сенга, интизор.
- Ризқ ўзи келгай агар сабр айласанг.
- Бир киши машғул бўлолмас бир йўла, Бир-биридин айру неча касб ила.
- Теп-текин ейман дема, иллат эрур, Касби рўзи айламоқ суннат эрур.
- Куш тахир сувларга бермишдир кўнгил, Ичмамиш чунки чучук сувларни ул.
- Сен қабул этма мунофиқ узрини, Тилда сўйлаб, кўнглида айтмас уни.
- Гар аёл майдонга тушса, қийналуру, Сафни ёрмас, иш ҳама хуржун бўлуру.
- Гарчи ул майдонда шердек ўкрагай, Кўлида шамшири дир-дир титрагай.
- Бахтлидир ул кимса, ақли эр эса, Нафси камтарликда мисли ер эса.
- Ҳамлайи хотун ёмонмас ҳар қалай, Офати бордир ва лекин бир талай.
- Жаҳд қилким, сен-да нурга йўғрилиб, Сўзларинг чиқсин оғиздин нур бўлиб.
- Шиннида қайнатса мева зотини, Оқибат у бергай шинни тотини.
- Сабзими, олма, беҳи, ёнғоқму ул, Мағзидин шинни ҳиди бурқиб келур.
- Новадондин тушгани найсон эмас.
- Оби найсон боғи гулранг келтируру, Новадон кўшнинг билан жанг келтируру.
- Йўқса эрлик, белда ханжардин не суд? Савлати, турки Скандардин не суд?
- Гарчи кўрқмасликка ундайдир сўзинг, Титрагайсен ҳаммадан кўпроқ ўзинг.
- Нафсни кўй, кўнгил сари эттил хиром.
- Бетамизлар элга раҳбар бўлмасин, Эшак ўрнига тутарлар эгасин.
- Неча нарвонлар жаҳон ичра ниҳон, Поя-поя юксалур то осмон.
- Ҳар гуруҳнинг нарвони ўзгадир, Ҳар равшининг осмони ўзгадир.
- Гул ичар шабнам шаробин дам-бадам, Булбул айтурким, узатгил бизга ҳам.
- Бузма аҳд, синдирма тавба, чунки ул Оқибатда боиси лаянат эрур.
- Оғуга тўлган чаён ҳам бўйламиш, Бир сабабсиз ургаи ул одамга ниш.
- Деву шайтонларда юргай эврилиб, Ҳеч сабабсиз жонимизга қасд қилиб.
- Ки азалдин душмани одам улур, Одамий эрса ҳалок, хуррам улур.
- Одамий қасдидадирлар эрта-кеч, Бул қабоҳатдин улур кечгайму ҳеч?

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ИНСОНИАТ УЛУҒЛАГАН ШАҲАР

ТУРКИЯНИНГ «ТРТ» ТЕЛЕКОМПАНИЯСИ ЎЗ МУХБИРЛАРИ ТОМОНИДАН САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ 2750 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ТАЙЁРЛАНГАН ҲУҶЖАТЛИ ФИЛЬМНИ НАМОЙИШ ЭТДИ. АЙТИШ ЖОИЗКИ, «ТРТ» ТУРКИЯНИНГ ЭНГ ЙИРИК ДАВЛАТ ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ БЎЛИБ, УНИНГ КЎРСАТУВЛАРИ ЕВРОПА, ОСИЁ, АФРИКА ҚИТЪАЛАРИДАГИ ЎНЛАБ МАМЛАКАТЛАР ҲАМДА АВСТРАЛИЯГА УЗАТИЛАДИ.

Ярим соатли фильм давомида томошабинлар эътиборига қадимий шаҳарнинг моҳирлик билан суратга туширилган манзаралари ҳавола этилади. Тасвирлар Самарқанд билан яхши таниш бўлган одамларга ҳам шаҳарга янгича нигоҳ билан қараш, унинг илгари пайқалмаган гўзал жиҳатларини кашф этиш имконини беради.

«Ер юзининг сайқали бўлмиш бу шаҳарни асрлар давомида инсониятнинг энг ёрқин вақилари улуғлаб келган, — дейди муаллифлар фильм аввалида. — Қадимда кўплаб давлатлар, жумладан, Европа мамлакатлари элчилари ҳам Самарқандга

ташриф буюрган ва барчаси унинг гўзаллигига улғурлигидан ҳайратга тушган. Шаҳар афсонавий Буюк Ипак йўлидаги энг муҳим ўринлардан бири эгаллаган. Узининг улкан ва нафис бинолари, бу ерда туғилиб ўсган ва фаолият юритган фан, санъат, адабиёт соҳасининг буюк намояндалари, дин ва давлат арбоблари билан у бутун инсоният цивилизациясининг тараққиотида беқиёс аҳамият касб этган.

Самарқанд буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темур хукмронлиги даврида айниқса гуллаб-яшнаган. Шаҳар Сохибқирон томонидан яратилган ул-

кан империянинг пойтахти бўлган.

Имом ал-Бухорий, Имом ал-Мотуридий, Ҳўжа Аҳрор Валий ва бошқа кўплаб дин арбоблари Самарқанд ислом дини тараққиотининг жаҳон миқёсидаги маркази сифатида шаклланишига беқиёс ҳисса қўшган. Мирзо Улуғбек, Али Кушчи, Қозизода Румий, Алишер Навоий, Давлатшоҳ Самарқандий ва бошқа фан, маданият ва адабиёт намояндалари саъй-ҳаракатлари билан эса шаҳар дунёдаги илм-фан марказига айланган.

Фильмда асосий эътибор Самарқандда 24-26 май кунлари бўлиб ўтган халқаро илмий симпозиумга қаратилди. Анжуманда дунёнинг 16 мамлакатидан келган олим, тадқиқотчи, тарихчи ва археологлар иштирок этди.

Нуфузли учрашув Ўзбекистон ҳукумати томонидан ЮНЕСКО

билан ҳамкорликда ташкил этилганини таъкидлар экан, туркиялик журналистлар учрашувлар Самарқанднинг тарихий ва илмий марказларида бўлиб ўтганини қайд этди. Дарвоқе, симпозиумнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари шаҳарнинг энг гўзал мезморчилик мажмуаларидан бири бўлган Регистон майдонидаги Улуғбек мадрасасида ўтказилди.



Очилиш маросими хусусида гапириб, фильм муаллифлари иштирокчиларнинг Самарқанд дунёдаги энг қадимий ва буюк шаҳарлар — Рим, Бобил, Афина билан бир қаторда туриши тўғрисидаги сўзларини келтириб ўтган.

Фильмда, шунингдек, симпозиум доирасида бўлиб ўтган шўъбалар мажлислари тўғрисида ҳам айтиб ўтилган. Уч кун давомида иштирокчилар олти-та шўъбага бўлинган ҳолда қадимий шаҳар тарихи ва ҳозирги куни билан боғлиқ бўлган турли масалалар юзаси-

дан фикр алмашди. Мажлисларда, жумладан, қуйидаги мавзулар қамраб олинди: «Шаҳарсозлик ва давлатчиликнинг илк шакллари», «Самарқанд Буюк Ипак йўлида. Халқаро савдо», «Амир Темур ва Теурийлар даврида Марказий Осий ҳудудидаги уйғониш», «Ўзбекистон фани ва маданиятининг жаҳон цивилизациясида тугган ўрни», «Самарқанд манбаънослиги ва топонимикаси», «Самарқанд тарих чорраҳаларида. Этномадания алоқалар».

Фильмдан бир қатор ўзбекистонлик ва хорижий олимлар билан ўтказилган интервьюлар ҳам ўрин олган бўлиб, уларда иштирокчилар анжуман таассуротлари билан ўртоқлашган ва ўз тадқиқотларининг натижалари тўғрисида гапириб берган. Муаллифларнинг фикрича, бу изланишлар қўқна ва ҳамisha навқирон Самарқанд тарихининг янги ва ҳали ўрганилмаган саҳифаларини очишга хизмат қилади.

«Жаҳон» АА



Кўргазмалар

НОЁБ ЭКСПОНАТЛАР ЎРИН ОЛГАН

ШАҲРИМИЗНИНГ ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХИЗМАТЛАРИ БЕҚИЁСДИР. ЮРТБОШИМИЗ РАҲБАРЛИГИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ВИЖДОН ВА ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ДИНИЙ АНЪАНАЛАРНИ ТИКЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ, ИСЛОМ ДУНЁСИГА ОИД ЁДГОРЛИКЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ МУНТАЗАМ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Теурийлар тарихи давлат музейида «Тошкент—ислом маданияти пойтахти» деб номланган кўргазма очилди. Мазкур кўргазма Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташилотининг /ISESCO/ 2007 йили Тошкентни тўртта ислом маданияти марказларидан бири деб эълон қилинган тарихий воқеага бағишланган. Бундай юксак номнинг берилишида, аввало Ўзбекистоннинг, қолаверса унинг пойтахти Тошкентнинг ислом маданияти намуналарига бой эканлиги алоҳида инobatга олинган.

Кўргазмани Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш. Салихов кириш сўзи билан очар экан жумладан шундай деди: «Пойтахтимизнинг ислом маданияти маркази деб эълон қилинишида Президентимизнинг ҳиссаси бениҳоя ва улғудир. Замонавий дунё тараққиотидаги мураккаб шароитлар даврида исломнинг инсоний қоялари ва илгор қадриятларини қадрла-

гани учун, ислом маданияти ва маорифига, тарихий ёдгорликларни асраб-авайлашга ҳамда ислом меросини бойитишга қўшган ҳиссаси учун Тошкент шаҳри бундай шарафли унвонга сазовор бўлди. Бу марказ зардуштийлик, буддавийлик, христианилик ва ислом каби турли дунё динлари уйғунлашган бир диёрдир.

Бу кўргазмани ташкил қилишдан мақсад ислом динини янада мукамал ўрганиш, ёшларимиз маънавий ҳаётига ислом динининг бой меросини сингдириш, миллатлараро барқарорлик, тотувлик, бағрикенглик каби туйғуларни янада шакллантиришдан иборатдир.

Кўргазмадан шунингдек, зардуштийликка оид турли хил ашёлар, остодон, остодон парчалари, сопол ва бронза буюмлар, буддавийликка оид ашёлар: Ботхисатва ҳайкали, кохиннинг сопол ҳайкали, Будда ҳайкали тасвири туширилган расмлар, ҳайкал бошлари, христианиликка оид ашёлар ҳам ўрин олган.

Кўргазмадан, муқаддас ислом динига оид Куръони карим, Бурхониддин Марғиновичнинг «Ал-Хидоя»-си, тафсир илмига оид Махмуд аз-Замашарийнинг «Тафсир ал-Кашшоф», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Нафаҳат ул-унс» асари, Аҳмад Ясавийнинг «Ҳикматлар» ва бошқа ноёб дурдоналар ҳам жой олган.

Очилиш маросимида илк бор юқоридаги динлар ҳақида музей ҳамда Тошкент Ислам университетининг «Зиё» студияси билан ҳамкорликда яратилган «Тошкент—ислом маданияти пойтахти» фильмининг намойиши ҳам диққатга сазовор бўлди.

Кўргазмадан кенг жой олган моддий ва маънавий ёдгорликлар, археологик топилмалар, санъат асарлари ва унармандчилик буюмлари, ёзма манбалар халқимизнинг бой маданий меросидан, бағрикенглигидан ғувоҳлик беради.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар Наталья Семёнова олган суратлар.

Футбол

ТАРКИБДА ЎЗГАРИШ БОР

МАЪЛУМКИ, 7-29 ИЮЛЬ КУНЛАРИ МАЛАЙЗИЯДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ МУСОБАҚАСИ БЎЛИБ ЎТАДИ. УНДА ҚИТЪАМИЗНИНГ ЭНГ КУЧЛИ 16 ТА ТЕРМА ЖАМОАСИ ГОЛИБЛИК УЧУН ЎЗАРО КУРАШ ОЛИБ БОРАДИ.

Осиё чемпионатида қатнашадиган Ўзбекистон терма жамоасидан муҳлислар чиройли ўйинлар куттишга ҳақли. Хозирданок ушбу нуфузли турнирга жиддий ҳозирликни бошлаб юборган терма жамоамиз таркибини бош мураббий Рауф Иниев эълон қилди. Унга кўра тажрибали футболчи, энг иқтидорли ҳимоячи Андрей Фёдоров, ярим ҳимоячи Илёс Зейтуллаевлар Осиё чемпионатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишмайди. Фёдоровнинг ўринини Хайрулла Каримов эгаллайди.

Нуфузли турнирда асосан қарши ҳужум тактикасида тўп суришиш кўтилаётган Ўзбекистон терма жамоаси ҳужумини Максим Шацких, Александр Гейрих, Павел Соломин, Улуғбек Бақоевлар самарали яқунлашларига бош мураббий ишонч билдирапти. Дарвоқе, терма жамоамиз дарвозасини яна моҳир дарвозабон Павел Бугало кўриқлайди.

Биз кўп минг сонли муҳлислар номидан терма жамоамизга Осиё чемпионатида омад ёр бўлишини тилаб қоламиз. Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

TOSHKENT SHANAR TELEFON TARMOG 'I ФИЛИАЛИ
АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
Ҳурматли абонентлар!

Тошкент шаҳрида телефон тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилиш режасига мувофиқ «3» индексли рақамларни «2» индекслига алмаштириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Қуйида ўзгартириладиган телефон рақамлари ва муддатларни келтирамиз:

- 3995000-3996119 рақамлари 2007 йил 27 июндан 2285000-2286119га ўзгартирилади.
- 3990000-3991799 рақамлари 2007 йил 27 июндан 2830000-2831799га ўзгартирилади.
- 3992000-3994999 рақамлари 2007 йил 27 июндан 2832000-2834999га ўзгартирилади.

Маълумот ТSНТТ www.tshtt.uz сайтида.
Тошкент шаҳри бўйича маълумотлар хизмати 09,009
Маълумотлар хизматини халқаро терих—3711355018, 1351052, 1352064
Маълумотлар хизматини шаҳаро терих—1099871, 1355018, 1351052, 1352064.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-506

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2875 нусxada босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқнониси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 6